

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2025 йил апрель ойининг 3 куни, жиноят ишлари бўйича Балиқчи туман суди, Балиқчи тумани Педагогика коллежи биносида, очиқ сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи туман судининг раиси У.Шералиев, судья ёрдамчиси Ф.Бегалиевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Балиқчи туман прокурорининг ёрдамчиси Р.Каримов, судланувчи А.Мамадалиев ва унинг ҳимоячиси Л.Маматқулов, фуқаровий даъвогар А.Ахмедовнинг иштирокида, Мамадалиев Азизбек Мамасолиевичга нисбатан 1-1703-2501/25-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Мамадалиев Азизбек Мамасолиевич (Mamadaliyev Azizbek Mamasoliyevich), 1983 йил 25 апрелда Балиқчи туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 4 нафар фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, “Азизбек спорт ривожини” МЧЖ раҳбари, Балиқчи тумани, Оққўрғон МФЙ, Боғ кўчаси 28-уйда яшайди, иш бўйича гаров эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2025 йил 31 январь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “в” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи, фуқаровий даъвогар ва гувоҳларни кўрсатувини эшитиб, дастлабки тергов жараёнида ва судда тўпланган далилларни текшириб, муҳокама қилиб ва уларга ҳолисона баҳо бериб, жиноят ишидаги ҳужжатларни таҳлил қилиб, тарафлар фикрини тинглаб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи А.М.Мамадалиев 2019 йилда таниши А.Бувамирзаевдан Балиқчи тумани, “Яккатол” МФЙ ҳудудида жойлашган М.Улуғбек массивидаги 609 (395) контурдаги 2 гектар ер мадонини оғзаки келишувга асосан олиб, ундан тижорат мақсадида фойдаланиб келиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун завурга сув тортиш агрегати (сув насоси)ни ўрнатиб, умумий фойдаланишдаги электр тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиб, электр энергиясидан ҳеч қандай ҳужжатлар ва ҳисоблагичсиз яширин равишда фойдаланиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12.01.2018 йилдаги 22-сонли Қарори 1-иловаси билан тасдиқланган “Электр энергиясидан фойдаланиш” Қоидалари талабларини кўпол равишда бузиб, 2021 йил 4 апрелдан 2024 йил 4 апрелга қадарли электр энергиядан ноқонуний равишда фойдаланиб келганлиги оқибатида «Ўзэнергоинспекция» Андижон ҳудудий бўлимининг хулосасига кўра, “Энергосавдо” филилали Андижон бўлинмаси манфаатларига 130.086.000 сўм миқдорда моддий зарар етказган.

Судланувчи А.Мамадалиев суд мажлисида айбига иқроп эмаслигини билдириб, 2016 йилдан буён “Азизбек Спорт Ривожини” МЧЖ раҳбари



лавозимида ишлаб келишини, 04.04.2024 йилда “Узэнергоинспекция” Андижон вилоят бошқармаси мутахасислари ҳамда Балиқчи электр таъминоти ходимлари томонидан Балиқчи тумани “Яккатол” МФЙ ҳудудида жойлашган 02.04.2024 йил куни 130-сонли ижара шартнома асосида терак экиш учун олинган унга тегишли 40 сотих ер майдонидаги завурга ўрнатилган сув тортиш агрегати (сув насоси)ни электр тармоғига уланишининг қонунийлиги ўрганишганини, ишчи гуруҳ томонидан ўрганиш ишлари натижасида ижара шартнома асосида терак экиш учун олинган менга тегишли 40 сотих ер майдонидаги завурга ўрнатилган сув тортиш агрегати (сув насоси) электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлиги юзасидан “Узэнергоинспекция” Андижон вилоят бошқармаси мутахасислари С.Тешабоев, С.Исаков, Балиқчи туман электр таъминоти корхонаси ходимлари Д.Акбаров А.Ахмедов, А.Худдиевлар томонидан 0017-000384 рақамли далолатнома расмийлаштирилганлигидан хабардор бўлганини, ушбу далолатномада у томонидан “Яккатол” МФЙ ҳудудида жойлашган дала майдонидаги завурга ўзбошимчалик билан уч фазали сув тортиш агрегати (сув насос) ўрнатиб, шартномасиз тўғридан-тўғри улангани ҳолда, яъни 1 дона сув тортиш агрегати (сув насоси) 15.2 кВт насосдан фойдаланиб келаётганлиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган эканлигини, сув тортиш агрегати (сув насоси)ни сувдан чиқариш имкони бўлмаганлиги сабабли сув тортиш агрегати (сув насоси) қуввати клеш ёрдамида ўлчанганда соатига 15.2 кВт электр энергияси сарифланаётганлиги ҳақида далолатномага ёзилган эканлигини, ушбу ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12.01.2018 йилдаги 22-сонли қарори билан тасдиқланган қоидаларга мувофиқ 3 йил даъво муддати билан 359.510.400 млн сўм зарар миқдори ҳисобланганини, шундан сўнг, у томонидан ҳисобланган зарардан норози бўлиб қилган мурожаати юзасидан 24.09.2024 йил куни Балиқчи туман электр тармоқлари корхонаси қайта ҳисоб-китоб комиссияси, тегишли мутахасислар томонидан Яккатол МФЙ ҳудудида жойлашган дала майдонидаги завурга ўрнатилган сув тортиш агрегати (сув насоси) сувдан чиқариб олиб, қайта ўрганилганда сув тортиш агрегати (сув насоси)даги белги яъни (биркаси)да қуввати 3000 Об/мин, 5500 Вт эканлиги аниқланганини, шунга асосан Балиқчи туман электр тармоқлари корхонаси қайта ҳисоб-китоб комиссияси томонидан 30.09.2024 йил куни қайта ҳисоб-китоб қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12.01.2018 йилдаги 22-сонли қарори билан тасдиқланган қоидаларга мувофиқ қайта-ҳисоб китоб амалга оширилган эканлигини, даъво муддати шартномасиз тармоққа уланганлиги сабабли 3 йил даъво муддати билан 130.086.000 млн сўм зарар миқдори ҳисобланганлигини, ҳозирда ҳисобланган зарардан норозилиги сабабли у сув тортиш агрегати (сув насоси)дан 3 йил фойдаланмаганини, бундан ташқари, у 02.04.2024 йил куни Норин-Қорадарё ирригация тизимлари хавза бошқармаси қошидаги мелиоратив экспедиция бўлими билан 40 сотих майдонида терак экиш учун ижара шартнома тузганидан сўнг сув насосини ўрнатганлиги тўғрилигини, 24.03.2024 йил куни Балиқчи туман ЭТК ходимлари Алижон ва Элдор исмли шахсларга “Яккатол” МФЙ, ҳудудидаги дала майдонида электр тармоғи тортиш учун оғзаки мурожаат қилганини, улар электр тармоғи тортиш учун ходим етишмаслиги сабабли қонунда белгиланган тартибда электр тармоғига уланишлиги ҳақида айтишгани, ўша жойда



жойлашган ферма олдига трансформатор ўрнатиб фойдаланишини, ўша жойда мавжуд трансформатор электр кучланишига яроқсиз эканлигини айтишгани, ўзига олдиндан таниш бўлган Тўйчибек исмли электромонтёрни олиб келиб, “Яккатол” МФЙ, худудидаги дала майдонига электр тармоғини тортирганини, лекин Тўйчибек уни электр тармоғига уланиш учун хужжатлари бўлмаганлиги сабабли трансформаторга улаб бермаганини, шундан сўнг у Балиқчи туман ЭТК билан шартнома тузганини, 04.04.2024 йил куни электр энергиясидан фойдаланиш учун техник шарт олганини, Балиқчи тумани давлат хизматлари марказига соат 11:30 ларда ариза билан мурожаат қилганини, шундан сўнг Фарғона вилояти Сўх туманига шахсий ишлари билан кетганини, 02.04.2024 йил куни Норин-Қорадарё ирригация тизимлари хавза бошқармаси қошидаги мелиоратив экспедиция бўлими билан 40 сотих майдонга терак экиш учун ижара шартнома тузганидан бошлаб, 04.04.2024 йил кунига қадарли электр энергиясидан умуман фойдаланмаганини, шу куни соат 12 лар атрофида шахсий ишлари билан Фарғона вилояти, Сўх туманига йўлга чиққанини, соат 14:30 ларда туман ЭТК ходими Акбарали унга телефон қилиб, унга тегишли бўлган Балиқчи тумани “Яккатол” МФЙ худудидаги ер майдонини электр энергияга уланганлиги ҳолатини ўргангани келишганлигини айтганини, унга тегишли дала майдони электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлиги юзасидан 0017-000384 рақамли далолатномалар расмийлаштирилганлигидан хабари борлигини, “Ўзэнергоинспекция” Андижон вилоят бошқармаси ходимлари унга телефон орқали айтишганини, у Фарғона вилояти Сўх туманида шахсий ишлари билан юрганлиги сабабли кела олмаганини, ушбу насос ҳақиқатдан ҳам унга тегишлилигини, у 02.04.2024 йил куни 40 сотик ер майдонини ижрага олганидан сўнг ўрнатганини ва электр тармоғини тортиб борганини, аммо трансформаторга уланмаганини, у 02.04.2024 йил куни шартнома тузганидан сўнг шу ерга насос ўрнатиб, электр тармоғини тортиганини, аммо трансформаторга уламаганини, кейин у 04.04.2024 йил куни электр энергияси бўйича техник шарт олиш учун Балиқчи тумани давлат хизматлари марказига ариза билан мурожаат қилганини, ўша пайтда хали хисоблагич бўлмаганини ва шартнома тузилмаганини, у А.Бувамирзаевни танимаслигини ва А.Бувамирзаевнинг ундан ҳеч қандай қарзи бўлмаганини, ундан қарзи эвазига ушбу ерни олмаганини, Г.Умрзоқовни танимаслигини, 40 сотих ер майдонига шартнома қилиб ерни кўргани борган вақтида Г.Умрзоқовни ушбу ердаги 2 гектар ердан фойдаланиб турганлигини кўрганини, ундан олиб келаётган сувидан “фойдалансам бўладими” деб сўраганини, шунда у тўловини килса фойдаланиши мумкинлигини айтганини, у ушбу шахсга ер сотмаганини, фақат Муроджон ва Авазбекларни танишини, қолган шахсларни умуман танимаслигини, улар айтиб ўтаётган ер унга тегишли эмаслигини, ушбу ердан умуман фойдаланмаганини, электр энергиясидан ноқонуний фойдаланмаганини, электр тармоғи тортиганлиги ростлигини, 2 гектар ер майдонидан ҳеч қандай мақсадда фойдаланмаганини, 40 сотих ер майдонига терак кўчати экиш мақсадида Норин-Қорадарё бошқармаси билан шартнома тузиб кўчат экмоқчи бўлганини, электр симини шу ерни соғириш мақсадида тортиб сув насос орқали терак кўчатларни суғормоқчи бўлганини, тергов органи 40 сотихлик ер учун қилган шартномасини инобатга олмаганини аммо уни трансформаторга уламаганини, уламаганлиги бўйича видеозаписи



борлигини, 02.04.2024 йилда Т.Зилобовни чақирганини, ер майдонини чеккасига ёғоч сталба ўрнатиб, электр тармоғи тортигизганини, аммо унга электр симини тармоққа улаб бермаслигини айтганини, у ҳам унга хали уламасдан туришини, кейинроқ қонуний бўлганидан сўнг улаб беришини айтганини, ушбу ҳолатдан бошқа шахсларни хабари йўқлигини айтиб кўрсатув бериб ўтди.

Фуқаровий даъвогар А.Ахмедов суд мажлисида, 2005 йил февраль ойидан буён Балиқчи тумани электр тармоқлари корхонасида турли хил лавозимда 2024 йил сентябрь ойидан буён “Энергосавдо” филиали Андижон бўлинмаси Балиқчи тумани бўлимида юрист коньсулти лавозимида ишлаб келишини, хизмат вазибаларига дебиторлик қарздорликлар бўйича тегишли тартибда тақдим этилган ҳужжатлар асосида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ҳужжатларни тақдим этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларини қабул қилиш ваколат доирасида ўрганиш ва бошқалар киришини, 04.04.2024 йил куни “Узэнергоинспекция” Андижон вилоят бошқармаси мутахассислари ҳамда Балиқчи электр таъминоти ходимлари томонидан Яккатол МФЙ ҳудудида жойлашган фуқаро А.Мамадалиевга қарашли дала майдонидаги завурга ўрнатилган сув тортиш агрегати (сув насоси) электр тармоғига уланишининг қонунийлиги ўрганилганлигини, ишчи гуруҳ томонидан ўрганиш ишлари натижасида А.Мамадалиевга қарашли дала майдонидаги завурга ўрнатилган сув тортиш агрегати (сув насоси)дан туман ЭТК билан шартнома тузмасдан электр энергиясидан ўзбошимчалик билан уланиб, фойдаланиб келаётганлиги бўйича электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлиги юзасидан “Узэнергоинспекция” Андижон вилоят бошқармаси мутахассислари С.Тешабоев, С.Исаков, Балиқчи туман электр таъминоти корхонаси ходимлари у, Д.Акбаров ва А.Худдиевлар томонидан 0017-000384 рақамли далолатнома расмийлаштирилганлигини, ушбу далолатномада истеъмолчи томонидан Яккатол МФЙ ҳудудида жойлашган дала майдонидаги завурга ўзбошимчалик билан уч фазали сув тортиш агрегати (сув насоси) ўрнатиб, туман ЭТК билан шартнома тузмасдан ҳеч қандай ҳужжатларсиз тўғридан-тўғри уланган ҳолда, яъни 1 донга 15.2 кВт сув тортиш агрегати (сув насоси)дан фойдаланиб келаётганлиги аниқланганлигини, сув тортиш агрегати (сув насоси)ни сувдан чиқариш имкони бўлмаганлиги сабабли сув тортиш агрегати (сув насоси) қуввати клеш ёрдамида ўлчанганда соатига 15.2 кВт электр энергияси сарифланаётганлиги аниқланганлигини, ушбу ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12.01.2018 йилдаги 22-сонли қарори билан тасдиқланган қоидаларга мувофиқ 3 йил даъво муддати билан 359.510.400 млн сўм зарар миқдори ҳисобланганлигини, шундан сўнг, А.Мамадалиев томонидан ҳисобланган зарардан норози бўлиб қилган муурожаати юзасидан 24.09.2024 йил куни Балиқчи туман электр тармоқлари корхонаси қайта ҳисоб-китоб комиссияси, тегишли мутахассислар томонидан Яккатол МФЙ ҳудудида жойлашган фуқаро А.Мамадалиевга қарашли дала майдонидаги завурга ўрнатилган сув тортиш агрегати (сув насоси) сувдан чиқариб олиб, қайта ўрганилганда сув тортиш агрегати (сув насоси)даги белги яъни (биркаси)да қуввати 3000 Об/мин, 5500 Вт эканлиги аниқлангани, шунга асосан Балиқчи туман электр тармоқлари корхонаси қайта ҳисоб-китоб комиссияси томонидан 30.09.2024 йил куни қайта ҳисоб-китоб қилиниб,



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12.01.2018 йилдаги 22-сонли қарори билан тасдиқланган қоидаларга мувофиқ қайта-ҳисоб китоб амалга оширилганлигини, даъво муддати шартномасиз тармоққа уланганлиги сабабли 3 йил даъво муддати билан 130.086.000 сўм зарар миқдори ҳисоблангани, қайта-ҳисоб китоб натижасида Балиқчи туман электр тармоқлари корхонаси манфаатларига 130.086.000 сўм зарар етказилганлиги аниқланганини, ЭТК ходимлари юридик шахсларни электр энергия истеъмоли юзасидан ҳар ойда камида бир маротаба кўриқдан ўтказиши (обход) лозимлигини, ЭТК ходимларидан Балиқчи тумани Яккатол МФЙ ҳудудидаги ўрта ва кичик бизнес ҳамда аҳоли истеъмолчиларини назорат қилиб туриш А.Худдиевга бириктирилганлигини, А.Мамадалиев ўзига тегишли дала майдонига ҳеч қандай шартномаларсиз тўғридан тўғри тармоққа уланиб, ундан ноқонуний фойдаланиб ВМнинг 12.01.2018 йилдаги 22-сонли қарори билан тасдиқланган “Электр энергиясидан фойдаланиш” қоидаларининг 118 бандида кўрсатилган талабларни бузганлигини, А.Мамадалиевга тегишли дала майдонига электр тармоғини ким улаб берганлигидан ҳабарим йўқлигини, А.Мамадалиев томонидан дала майдонидаги сув насосини электр тармоғига тўғридан-тўғри улаб олиб, 04.04.2021 йилдан 04.04.2024 йилгача ноқонуний фойдаланиб келиши натижасида охириги ҳисоб-китобга кўра туман ЭТКга 130.086.000 сўмлик зарар етказилганлиги бўйича ҳисоб-китоб қилинганлигини, асослантирувчи ҳужжатлари мавжуд эмаслиги сабабли ВМнинг 12.01.2018 йилдаги 22-сонли қарори билан тасдиқланган “Электр энергиясидан фойдаланиш” Қоидаларининг 118-бандига асосан ҳисоб китоблар қоидабузар А.Мамадалиевга умумий даво муддати 04.04.2021 йилдан 04.04.2024 йилга қадар ҳисобланиб, 3 йил яъни 1095 кунга ҳисоб китоб қилинганлигини, истеъмолчи А.Мамадалиев томонидан электр энергиясидан фойдаланганлиги юзасидан ҳеч қандай тегишли ва асосли ҳужжатларни тақдим этмагани, ушбу ер майдони унга тегишли эмаслигини айтиб туриб олганлигини Яккатол МФЙ ҳудудларида жойлашган фуқаро А.Мамадалиевга қарашли дала майдони майдонидаги завурга ўрнатилган сув тортиш агрегати (сув насоси) электр ускуна сувдан чиқариб олиб, қайта ўрганилганда сув тортиш агрегати (сув насоси)даги белги яъни (биркаси)да қуввати 3000 Об/мин, 5500 Вт эканлиги аниқлангани, шунга асосан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12.01.2018 йилдаги 22-сонли қарори билан тасдиқланган қоидаларга мувофиқ қайта-ҳисоб китоб амалга оширилганлигини айтиб кўрсатув бериб ўтди.

Гувоҳ А.Назаров суд мажлисида, ҳақиқатдан ҳам 26.07.2024 йилдан буён “Ўзэнергоинспекция” Андижон ҳудудий бошқармасида етакчи юристконсулт лавозимида ишлаб келишини, унинг хизмат вазифаларига бошқарма ходимлари томонидан электр энергияси, табиий газ ва нефт маҳсулотлари истемоли юзасидан аниқланган қоидабузарликлар бўйича тўпланган ҳужжатларни судларга тақдим қилиш, судларда бошқарма номидан иштирок этиши киришини, у 04.04.2024 йилда ҳамкасби «Ўзэнергоинспекция» Андижон вилоят бошқармаси мутахассислари С.Тешабоев ва С.Исаков, Балиқчи ТЭТК ходими А.Ахмедов ва туман ИИБ ходимлари билан Балиқчи тумани Яккатол МФЙ ҳудудларида жойлашган фуқаро Мамадалиев Азизбекга қарашли дала майдонига ўрнатилган сув насосини электр тармоғига уланишининг



қонунийлиги ўрганилгани, ишчи гуруҳ томонидан ўрганиш ишлари натижасида Яккатол МФЙ ҳудудида жойлашган дала майдонидаги сув насоси ҳеч қандай электр ҳисоблагич ва шартномасиз тўғридан тўғри уланиб, ўзига тегишли дала майдонини суғориш учун электр тармоғига ноқонуний фойдаланаётганлиги сабабли 04.04.2024 йилда №000384-сонли далолатнома расмийлаштирилгани, юқоридагилардан ҳамда расмийлаштирилган далолатномалардаги маълумотларга асосланган ҳолда электр энергияси миқдори қайта-ҳисоб китоб қилинганлиги, Балиқчи туманда жойлашган А.Мамадалиевга қарашли дала майдонидаги сув насоси учун электр энергиясидан ноқонуний равишда фойдаланганлиги натижасида жами 359.510.400 сўмлик зарар келтирилганлиги маълум бўлганлиги, шундан сўнг, А.Мамадалиев томонидан ҳисобланган зарардан норози бўлиб қилган мурожаати юзасидан 24.09.2024 йил куни Балиқчи туман электр тармоқлари корхонаси қайта ҳисоб-китоб комиссияси, тегишли мутахассислар томонидан Яккатол МФЙ ҳудудида жойлашган дала майдонидаги завурга ўрнатилган сув тортиш агрегати (сув насоси) сувдан чиқариб олиб, қайта ўрганилганда сув тортиш агрегати (сув насоси)даги белги яъни (биркаси)да қуввати 3000 Об/мин, 5500 Вт эканлиги аниқлангани, шунга асосан Балиқчи туман электр тармоқлари корхонаси қайта ҳисоб-китоб комиссияси томонидан 30.09.2024 йил куни қайта ҳисоб-китоб қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12.01.2018 йилдаги 22-сонли қарори билан тасдиқланган қоидаларга мувофиқ қайта ҳисоб-китоб амалга оширилгани, даъво муддати шартномасиз тармоққа уланганлиги сабабли 3 йил даъво муддати билан 130.086.000 млн сўм зарар миқдори ҳисобланганини айтиб кўрсатув бериб ўтди.

Гувоҳ С.Тешабоев суд мажлисида, У 2018 йил ноябрь ойи буён “Ўзэнергоинспекция” Андижон ҳудудий бўлимида мутахассис лавозимларда ишлаб келишини, унинг хизмат вазифаларига электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва техник нормаларга риоя қилиниши юзасидан давлат назоратини амалга оширишдан иборатлигини, у 04.04.2024 йилда ҳамкасби «Ўзэнергоинспекция» Андижон вилоят бошқармаси мутахассиси С.Исақов, Балиқчи ТЭТК ходими А.Ахмедов ва туман ИИБ ходимлари билан Балиқчи тумани Яккатол МФЙ ҳудудларида жойлашган фуқаро Мамадалиев Азизбекга қарашли дала майдонига ўрнатилган сув насосини электр тармоғига уланишининг қонунийлиги ўрганилган. Ишчи гуруҳ томонидан ўрганиш ишлари натижасида Яккатол МФЙ ҳудудида жойлашган дала майдонидаги сув насоси ҳеч қандай электр ҳисоблагич ва шартномасиз тўғридан тўғри уланиб, ўзига тегишли дала майдонини суғориш учун электр тармоғига ноқонуний фойдаланаётганлиги сабабли 04.04.2024 йилда №000384-сонли далолатнома расмийлаштирилганлигини, юқоридагилардан ҳамда расмийлаштирилган далолатномалардаги маълумотларга асосланган ҳолда электр энергияси миқдори қуйидагича қайта-ҳисоб китоб қилинганлиги, Балиқчи туманда жойлашган А.Мамадалиевга қарашли дала майдонидаги сув насоси учун электр энергиясидан ноқонуний равишда фойдаланганлиги натижасида жами 359.510.400 сўмлик зарар келтирилганлиги маълум бўлганлигини, шундан сўнг, А.Мамадалиев томонидан ҳисобланган зарардан норози бўлиб қилган мурожаати юзасидан 24.09.2024 йил куни Балиқчи туман электр тармоқлари



корхонаси қайта ҳисоб-китоб комиссияси, тегишли мутахассислар томонидан Яккатол МФЙ ҳудудида жойлашган дала майдонидаги завурга ўрнатилган сув тортиш агрегати (сув насоси) сувдан чиқариб олиб, қайта ўрганилганда сув тортиш агрегати (сув насоси)даги белги яъни (биркаси)да қуввати 3000 Об/мин, 5500 Вт эканлиги аниқланганлигини, шунга асосан Балиқчи туман электр тармоқлари корхонаси қайта ҳисоб-китоб комиссияси томонидан 30.09.2024 йил куни қайта ҳисоб-китоб қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12.01.2018 йилдаги 22-сонли қарори билан тасдиқланган қоидаларга мувофиқ қайта ҳисоб-китоб амалга оширилганлигини, даъво муддати шартномасиз тармоққа уланганлиги сабабли 3 йил даъво муддати билан 130.086.000 млн сўм зарар миқдори ҳисобланганлигини, ЭТК ходимлари юридик шахсларни электр энергия истеъмоли юзасидан ҳар ойда камида бир маротаба кўриқдан ўтказиши (обход) лозимлигини, А.Мамадалиев томонидан дала майдонидаги сув насосини электр тармоғига тўғридан-тўғри улаб олиб, 04.04.2021 йилдан 04.04.2024 йилгача ноқонуний фойдаланиб келиши натижасида охириги ҳисоб-китобга кўра туман ЭТКга 130.086.000 сўмлик зарар етказилганлиги бўйича ҳисоб-китоб қилинганлигини, ВМнинг 12.01.2018 йилдаги 22-сонли қарори билан тасдиқланган “Электр энергиясидан фойдаланиш” Қоидаларининг 118-бандига асосан ҳисоб китоблар қоидабузар А.Мамадалиевга умумий даво муддати 04.04.2021 йилдан 04.04.2024 йилга қадар ҳисобланиб, 3 йил яъни 1095 кунга ҳисоб китоб қилинганлигини, исътемомлчи А.Мамадалиев томонидан электр энергиясидан фойдаланганлиги юзасидан ҳеч қандай тегишли ва асосли ҳужжатларни тақдим этмаганлигини, ушбу ҳисоб-китоблар ВМнинг 12.01.2018 йилдаги 22-сонли қарори билан тасдиқланган “Электр энергиясидан фойдаланиш” Қоидаларида белгиланган тартибга асосан тўғри амалга оширилганлигини, ВМнинг 12.01.2018 йилдаги 22-сонли қарори билан тасдиқланган “Электр энергиясидан фойдаланиш” Қоидаларининг 118-банди бузилганлиги ва ушбу банд талаблари бўйича ҳисоб китоб қилинганлигини билдириб кўрсатув бериб ўтди.

Гувоҳ А.Бувамирзаев суд мажлисида, у 1996 йилдан буён ижарага ер олиб, деҳқонлик билан шуғулланиб келишини, у 2016 йилда унга олдиндан таниш бўлган Х.Турғунов билан кўришиб, унга деҳқончилик қилиш учун ер керак бўлаётганлигини сўраганлигини, шунда у деҳқончилик қилиш учун ўзида ер борлигини айтганлигини, у Х.Турғунов билан Балиқчи тумани М.Улуғбек массивига боришганлигини, кейин у ерда 395 контурдаги 2,0 гектар ер майдони борлигини, бу ер майдони “Муқаддас ер хосияти” фермер хўжалигига тегишли эканлигини, ушбу фермер хўжалиги фаолиятини ўзи олиб боришини айтганлигини, кейин оғзаки келишувга асосан Х.Туруғуновдан М.Улуғбек массивидаги 395 контурдаги 2,0 гектар ер майдони фойдаланиш учун олганлигини, шундан сўнг, унга Х.Турғунов ушбу ерга тут кўчатлари экиб, тумандаги “Пилла” корхонасига пилла топширишини ва ер солиқларни тўлаб боришини айтганлигини, у 2019 йилга қадарли М.Улуғбек массивидаги 395 контурдаги 2,0 гектар ер майдонидан фойдаланиб, ҳар йили “Пилла” корхонасига йиллик режани топшириб, ер солиқларини тўлаб келганлигини, шундан сўнг, 2019 йилда А.Мамадалиевдан “Нексия” русумли автомашина сотиб олганлигини, сотиб олган автомашинага пулим етмай қолганлиги сабабли қолган қарзини деҳқончиликдан топган даромадидан беришини



айтганлигини, кейин, А.Мамадалиев унга қарзини ўрнига М.Улуғбек массивидаги 395 контурдаги 2,0 гектар ер майдони беришлигини, ушбу ердан ўзи фойдаланиб пилла режасини ўзи топширишини ва ер солиқларини ҳам ўзи тўлашлигини айтганлиги сабабли 2019 йил куз ойларида М.Улуғбек массивидаги 395 контурдаги 2,0 гектар ер майдонини оғзаки келишувга асосан А.Мамадалиевга берганлигини, кейин у тумандаги “Пилла” корхонаси ходими Карима опа, аграром ва яна бир шахсни А.Мамадалиев билан учраштириб қўйганлигини, шундан сўнг у А.Мамадалиев билан умуман учрашмаганлигини, шундан буён ушбу ер майдонидан А.Мамадалиев фойдаланиб келмоқдаллигини, уни билганлари шулардан иборатлигини, М.Улуғбек массивидаги 395 контурда жами 14 гектар ер майдони борлигини, шундан 2.0 гектари ўша вақтда (Турғунов Хошим ака)га тегишли бўлган. ҳозирда эса ушбу ердан А.Мамадалиев фойдаланиб келмоқдаллигини, 10 гектари Муроджон исмли фермерга, қолганлигини 2.0 гектари Н.Мансуровага тегишли эканлигини билишлигини, М.Улуғбек массивидаги 395 контурда ўша вақтда унга тегишли 2.0 гектар ер майдонига экилган экинларни оқова суви орқали суғориб келишини, Яккатол МФЙ ҳудудида жойлашган М.Улуғбек массивидаги завурга ўрнатилган сув насоси унга тегишли эмаслигини, сув насоси кимга тегишли эканлигини ва қачон ким ўрнатилганлигини билмаслигини, у ерда сув насоси борлигидан мени хабари йўқлигини билдириб кўрсатув бериб ўтди.

Гувоҳ Ш.Асқаров суд мажлисида, ҳақиқатдан ҳам у 2020 йилдан буён Балиқчи тумани Бўстон МФЙ ҳудудида жойлашган Бўстон массивидаги “Балиқчилик Ахмадилло ерлари” Ф/Х ташкил этиб, унга раҳбарлик қилиб келишини, Фермер хўжалигимиз асосий фаолият тури пахта-ғалла етиштириш билан шуғулланиб келишини, 01.04.2021 йилда Балиқчи туман ҳокимининг №154-Қ қарорига асосан Яккатол МФЙ ҳудудида жойлашган М.Улуғбек массивидаги 609 (395) контурдаги 14.0 гектар ер майдонидан 10.0 гектари “Балиқчилик Ахмадилло ерлари” Ф/Хга пахта-ғалла етиштириш учун берилгани, шундан буён Яккатол МФЙ ҳудудида жойлашган М.Улуғбек массивидаги 609 (395) контурдаги 10.0 гектар ер майдонида “Балиқчилик Ахмадилло ерлари” фермер хўжалиги пахта-ғалла етиштириб, фойдаланиб келишини, унинг ер майдони ёнида жойлашган ер майдонидан А.Мамадалиев фойдаланиб келишини, уни ер майдонига сувни фақат сув насоси орқали суғориш мумкинлигини, оқова сув у ерга етиб бормаслигини, шу сабабли у ердаги ер майдонларини фақат сув насоси орқали суғориш мумкинлини, А.Мамадалиевни ердан фойдаланганлигини кўрганлигини айтиб кўрсатув бериб ўтди.

Гувоҳ А.Бойматов суд мажлисида, ҳақиқатдан ҳам у 7-8 йилдан буён ижарага ер олиб деҳқончилик билан шуғулланиб келишини, у одатда баҳор-куз мавсумида деҳқончилик ва қиш фаслида эса таксчилик билан шуғулланиб келишини, уни дўсти Асқаров Шуқурилло фермер бўлишини, “Балиқчилик Ахмадилло ерлари” Ф/Х раҳбари хисобланишини, у 2021 йилда Ш.Асқаров билан келишиб, Балиқчи туман ҳокимининг №154-Қ қарорига асосан Яккатол МФЙ ҳудудида жойлашган М.Улуғбек массивидаги 609 (395) контурдаги 10 гектар ер майдонини охирига шерикчиликка терак экиб фойдаланиб келишини, дастлаб Шуқуриллодан олдин ушбу ерга Абдумал акалар терак экишганини, аммо сув билан таъминлай олмасдан дарахтлар қуриб, ўт босиб



кетганини, у Шукурулло билан келишиб, ушбу ерга 1000 туп дарахт экканини, сўнг атрофдаги шох-шабба ва ёввойи ўтларни чошиб, тозалаб ташлаганини, Балиқчи туман Яккатол МФЙ худудида жойлашган М.Улуғбек массивидаги 609 (395) контурдаги 14.0 гектар ер майдонидан 10.0 гектари “Балиқчилик Ахмадилло ерлари” Ф/Хга, 2 гектари Мансурова Наргиза ва қолган 2 гектари Мамадалиев Азизбекка тегишли эканлигидан хабари борлигини, 2 гектар ер майдонидан А.Мамадалиев фойдаланиб келишини, А.Мамадалиев ушбу ер майдонини тенг шерикликка бериб, ундан фойдаланишини, ушбу ер майдонига 2021-2022 йилларда шекирликда тамаки, 2023 йилда ўзи маккажўхори ва 2024 йилда эса яна шекирликда помидори махсулотлари экилганини, А.Мамадалиевни ер майдони у ишлайдиган фермер хўжалигини олдида бўлганлиги учун А.Мамадалиев ер майдонига ўтганда салом-алик қилиб туришини, 2023 йилда маккажўхорини ўзи экканини, 2024 йилда А.Мамадалиев ер майдонини Яккатол МФЙда яшовчи танишим Г.Умрзоқовга шерикликка берганини сўнг Г.Умрзоқов ер майдонига помидори экиб, ердан фойдаланганини айтиб кўрсатув бериб ўтди.

Гувоҳ Т.Зилобов суд мажлисида, ҳақиқатдан ҳам у 2015-20217 йилларда Балиқчи тумани электр тармоқлари корхонасида электромантёр лавозимида ишлаганини, ишдан бўшаганидан сўнг 2017-2018 йилларда Россия давлатига бориб, ишлаб келганини, шундан буён аҳолига электромантиёр сифатида пуллик хизмат кўрсатиб келишини, ундан сўралаётган Мамадалиев Азизбекни 5-6 йилдан буён танишини, 2024 йилни март ойи бошларида унга олдиндан таниш А.Мамадалиев телефон орқали “Яккатол” МФЙ худудидаги 2 гектар ери борлигини, ушбу ерга сув насоси ўрнатиб, сув чиқармоқчи эканлигини, шу сабабли закон бўйлаб эски “чўчка” фермаси ёнидаги трансформаторгача ёғочдан сталба ўрнатиб, сим тортиб беришини айтгани, шундан сўнг, у А.Мамадалиевни таклифига рози бўлиб, ерини кўргани берганини, кейин у унга Балиқчи тумани “Яккатол” МФЙ худудида жойлашган М.Улуғбек массивидаги 609 (395) контурдаги 2 гектар ер мадонини кўрсатганини, шу жойга электр тармоғи тортиш кераклигини, қанча электр кабели ва махсулотлар кетишини сўраганини, сўнг электр тармоғи тортиш керак бўлган жойни ўлчаб чиқиб, 600 метр электр кабел ва 12 дона симёғоч керак бўлиши А.Мамадалиевга айтганман, кейин А.Мамадалиев 600 метр электр кабел ва 12 дона симёғочларни олиб берганидан сўнг кўрсатган жойига 12 дона симёғочларни ўрнатиб, 600 метр симларни тортиб берганини, у симёғочларни 3 нафар ёлланма ишчилар Ислонбек, Нурмухаммад ва укаси Адаҳамжонлар билан бирга ўрнатганини, у симёғочларни ўрнатаётган вақтимда зовурни атрофида ёнғин чиқиб, қамишлар ёнганини, уларни орасида ёниб кетган электр симларига ҳам кўзи тушганини, у айтилган жойга симёғочларни ўрнатиб, унга электр кабелларни тортиб берганини, аммо тортган кабелларни трансформаторга уламаганлигини айтиб кўрсатув бериб ўтди.

Гувоҳ Ғ.Умирзақов суд мажлисида, у ёшлиқдан ижрага ер олиб, деҳқончилик билан шуғулланиб келишини, 2024 йил февраль ойи бошларида деҳқончилик қилиш мақсадида ер қидириб юрган вақтида унга олдиндан таниш маҳалладоши Абдусаммад акани кўриб қолганлигини, ундан “деҳқончилик қилиш учун ер борми” деб сўраганида у унга таниши А.Мамадалиевда 2.0 гектар ер борлигини айтганлигини, шундан сўнг, Абдусаммад ака билан



бирга А.Мамадалиев уйига боришганлигини, кейин А.Мамадалиев билан кўришганида Яккатол МФЙ худудида жойлашган М.Улуғбек массивидаги 395 контурда 2.0 гектар деҳқончилик қилиш учун ер майдони борлигини айтганлигини, у Абдусамад ака билан бирга А.Мамадалиевга тегишли Яккатол МФЙ худудида жойлашган М.Улуғбек массивидаги 395 контурдаги 2.0 гектар ер майдонини кўриш учун боришиб, у ердаги 2.0 гектар ер майдони кўриб, ер майдони унга мақул бўлганлиги сабабли А.Мамадалиев билан 2.0 гектар ер майдонини 1 йилга деҳқончилик қилиш учун оғзаки келишувга асосан 1.0 гектарини 9.000.000 млн. сўмдан жами 2.0 гектар ер майдонини 18.000.000 млн. сўмга деҳқончилик қилиш яъни помидор экиш учун олганлигини, у ушбу ижара пулларни А.Мамадалиевга Абдусамад акани гувоҳлигида берганлигини, шундан сўнг, март ойларида 2.0 гектар ер майдонига помидор кўчатларини экиб, кузгача ушбу ердан фойдаланганлигини, уни билганлари шулардан иборатлигини, Яккатол МФЙ, худудида жойлашган М.Улуғбек массивидаги 395 контурдаги 2.0 гектар ер майдонидан 2022-2023 йилларда у фойдаланмаганлигини, лекин ўша ердаги фуқаролардан сўрағнида 2022-2023 йилларда А.Мамадалиев ўзи 2.0 гектар ер майдонига макка экиб фойдаланиб келганлигини у Яккатол МФЙ, худудида жойлашган М.Улуғбек массивидаги 395 контурдаги 2.0 гектар ер майдонига экилган помидор кўчатларини ўша жойдаги завурга ўрнатилган сув тортиш агрегати (сув насоси)дан фойдаланиб суғориб келганлигини, Яккатол МФЙ, худудида жойлашган М.Улуғбек массивидаги завурга ўрнатилга сув тортиш агрегати (сув насоси)дан фақат 395 контурдаги 2.0 гектар ер майдонига экилган экинлар суғорилган холос, сабаби сув тортиш агрегати (сув насоси) турубалари 2.0 гектар ер майдонига йўналтириб торилган ва бошқа жойни суғориб бўлмаслигини, Яккатол МФЙ худудида жойлашган М.Улуғбек массивидаги завурга ўрнатилган сув тортиш агрегати (сув насоси) унга тегишли эмаслигини, сув тортиш агрегати (сув насоси) А.Мамадалиевга тегишли эканлигини, у 2024 йил февраль ойида ерни кўргани борганида завурга насос ўрнатилган эканлигини, сув тортиш агрегати (сув насоси) бўлганлиги, экинларни суғориш учун муаммо йўқлиги сабабли помидор экиш учун А.Мамадалиевдан оғзаки келишувга асосан 2.0 гектар ер майдонини 1 йил муддатга олганлигини, у Яккатол МФЙ худудида жойлашган М.Улуғбек массивидаги завурга ўрнатилган сув тортиш агрегати (сув насоси) учун фойдаланилган электр энергиясини тўловини у тўламаганлигини, А.Мамадалиев 2.0 гектар ер майдонини оғзаки келишувга асосан олган вақтида А.Мамадалиев электр энергияси учун тўловларни ўзи тўлаб келишлигини айтганлигини, шунга асосан 1.0 гектар ер учун 9.000.000 млн. сўмдан жами 2.0 гектар ерга 18 млн. сўм пулни Азизбекга тўлаганлигини, А.Мамадалиевдан ер майдонини ижарга олиб, фойдаланганлигини маҳалладоши Абдусамад хожиака, шу ердаги фермерлар А.Мамадалиев, уни ишчилари Шахобиддин, Обиджон ва бошқалар ҳам тасдиқлаши мумкинлигини билдириб кўрсатув бериб ўтди.

Гувоҳ Р.Бойматов суд мажлисида, 2021 йилдан буён Балиқчи тумани Яккатол МФЙ худудида жойлашган М.Улуғбек массивидаги ака-ука Муроджон ва Шукуруллоларга тегишли бўлган “Балиқчилик Ахмадилло ерлари” Ф/Х ишчи лавозимида ишлаб келишини, фермер хўжалигининг асосий фаолият тури пахта-ғалла етиштириш билан шуғулланиб келишини, Балиқчи туман Яккатол



МФЙ худудида жойлашган М.Улуғбек массивидаги 609 (395) контурдаги 14.0 гектар ер майдонидан 10.0 гектари “Балиқчилик Ахмадилло ерлари” Ф/Хга, 2 гектари Мансурова Наргиза ва қолган 2 гектари Мамадалиев Азизбекка тегишли эканлигидан хабари борлигини, ундан сўралаётган ер майдонидан А.Мамадалиев фойдаланиб келади. А.Мамадалиев ушбу ер майдонини тенг шерикликка бериб, ундан фойдаланишини, ушбу ер майдонига 2021-2022 йилда тамаки, 2023 йилда маккажўхори ва 2024 йилда эса помидори махсулотлари экилганини, А.Мамадалиевни ер майдони у ишлайдиган фермер хўжалигини олдида бўлганлиги учун А.Мамадалиев ер майдонига ўтганда салом-алик қилиб туришини, 2023 йилда маккажўхорини А.Мамадалиевнинг ўзи экканини, 2024 йилда А.Мамадалиев ер майдонини Яккатол МФЙда яшовчи таниши Гуломжонга шерикликка берганини, сўнг Гуломжон ер майдонига помидори экиб, ердан фойдаланганини айтиб кўрсатув бериб ўтди.

Гувоҳ О.Низомов суд мажлисида, ҳақиқатдан ҳам у 2020 йилдан буён Балиқчи тумани Яккатол МФЙ худудида жойлашган М.Улуғбек массивидаги ака-ука Азизбек ва Авазбекларга тегишли бўлган “Бол” Ф/Х ишчи лавозимида ишлаб келишини, фермер хўжалигимиз асосий фаолият тури пахта-ғалла етиштириш билан шуғулланиб келишини, Балиқчи туман Яккатол МФЙ худудида жойлашган М.Улуғбек массивидаги 609 (395) контурдаги 14.0 гектар ер майдонидан 10.0 гектари “Балиқчилик Ахмадилло ерлари” Ф/Хга, 2 гектари Мансурова Наргиза ва қолган 2 гектари Мамадалиев Азизбекка тегишли эканлигидан хабари борлигини, ундан сўралаётган ер майдонидан А.Мамадалиев фойдаланиб келишини, А.Мамадалиев ушбу ер майдонини тенг шерикликка бериб, ундан фойдаланишини, ушбу ер майдонига 2021-2022 йилда тамаки, 2023 йилда маккажўхори ва 2024 йилда эса помидори махсулотлари экилганини, А.Мамадалиевни ер майдонига йўл мен ишлайдиган фермер хўжалигини олдида ўтган бўлиб, А.Мамадалиев ер майдонига ўтганда салом-алик қилиб туришини, 2023 йилда маккажўхорини А.Мамадалиевни ўзи экканини, 2024 йилда А.Мамадалиев ер майдонини Яккатол МФЙда яшовчи танишим Г.Умрзоқовга шерикликка берганини, сўнг Г.Умрзоқов ер майдонига помидори экиб, ердан фойдаланганини айтиб кўрсатув бериб ўтди.

Гувоҳ Ш.Кимсанов суд мажлисида, ҳақиқатдан ҳам у 2022 йилдан буён Балиқчи тумани Яккатол МФЙ худудида жойлашган М.Улуғбек массивидаги Каримов авазбекка тегишли бўлган “Бол” Ф/Х ишчи лавозимида ишлаб келишини, фермер хўжалигининг асосий фаолият тури пахта-ғалла етиштириш билан шуғулланиб келишини, Балиқчи туман Яккатол МФЙ худудида жойлашган М.Улуғбек массивидаги 609 (395) контурдаги 14.0 гектар ер майдонидан 10.0 гектари “Балиқчилик Ахмадилло ерлари” Ф/Хга, 2 гектари Мансурова Наргизахон ва қолган 2 гектари Мамадалиев Азизбекка тегишли эканлигидан хабари борлигини, ундан сўралаётган ер майдонидан А.Мамадалиев фойдаланиб келишини, А.Мамадалиев ушбу ер майдонини тенг шерикликка бериб, ундан фойдаланишини, ушбу ер майдонига 2022 йилда тамаки, 2023 йилда маккажўхори ва 2024 йилда эса помидори махсулотлари экилганини, А.Мамадалиевни ер майдонига йўл у ишлайдиган фермер хўжалигини олдида ўтган бўлиб, А.Мамадалиев ер майдонига ўтганда салом-алик қилиб туришини, 2023 йилда маккажўхорини А.Мамадалиевнинг ўзи экканини, 2024 йилда А.Мамадалиев ер майдонини Яккатол МФЙда яшовчи



таниши Г.Умрзоқовга шерикликка берганини, сўнг Г.Умрзоқов ер майдонига помидори экиб, ердан фойдаланганини, 2022 йилда А.Мамадалиевни ерини олдига борган вақтида эски чўчка ферма томонидан ёғоч устунлар орқали электр тортиб келганлигини кўрганини айтиб кўрсатув бериб ўтди.

Кўшимча гувоҳ К.Дехконова суд мажлисида, ўзи туман агро пилла корхонасида агроном бўлиб ишлашини, М.Улуғбек массивидаги 609 (395) контурдаги 2 гектар тут плантациясини назорати ўзига бириктирилганини, ушбу ер майдони тегишли қарорга кўра Турғунов Хашимга фойдаланиш учун ижара шартномаси асосида берилганини, Х.Турғуновдан Акмалжон Буваматовга ўтканини, Акмалжон ерни бировга бериб юборганини айтганини, фойдаланиш учун кимга берганини айтмаганини, ҳар йили ерлар хатловдан ўтказилганини, 2019 йилда ушбу контур хатловда ўзига бириктирилган ҳудудда кўринмагани сабабли бошқа соҳага ўтиб кетган бўлса керак деб ўйлаганини, ер майдонига оқова сув келиши имконияти йўқлиги, ер майдони шўр бўлганлиги сабабли экилган тут дарахтлари ҳар йили қуриб қолишини, 2020 йилда хатлов бўлганлигини, 395 контур хатловда ҳам кўринмаганини, ҳозирги вақтда ушбу ер майдони қандай ҳолатдалигини билмаслигини, хатлов натижаси бўйича ушбу контур кўринмагани сабабли ер майдони ҳақида суриштирмаганини айтиб кўрсатув бериб ўтди.

Кўшимча гувоҳ Н.Абдуллажонов суд мажлисида, ҳақиқатдан ҳам “Andijon Xanoi Iragi” МЧЖда 2022 йилга қадар агроном вазифасида ишлаганини, ҳар бир массивга битта агроном раҳбарлик қилишини, уни раҳбарлигида бўлган массивга ажратилган ходимларга ипак қурти уруғини берганлигини, ушбу ходимлар ҳар йили ўзларига бириктирилган ер майдони бўйича шартнома тузишганлигини, 1 гектар ер майдонига 1 қути ипак қурти уруғини берганлигини, агар режа бажарилмаса ўша йили берилган ер майдони кейинги йилда бошқа фуқарога бириктирилишини, ер майдони қарор асосида эмас шартнома асосида берилишини, К.Дехконова 395 контурдаги ер майдонларига агрономлик қилганлигини, плантация учун ажратилган ер майдонларига 2023 йилгача имтиёзли равишда солиқ тўланмаганини, фақат суви учун пул тўланганини, ўша вақтда 395 контурдаги тут плантация ер майдонидан касаначи сифатида ким фойдаланганини билмаслигини, А.Мамадалиевни танимаслигини, ушбу ер майдони оғзаки келишилган ҳолда бир шахсдан бошқа бир шахсга ўтказиб берилиши мумкин эмаслигини айтиб кўрсатув бериб ўтди.

Судланувчи А.Мамадалиевнинг айби судда текширилган далиллар, жиноят ишини қўзғатиш ва терговга тегишлилиги бўйича юбориш ҳақида қарор (и.в. 1-2), жиноят ишини юритувга олиш ҳақида қарор (и.в. 3), “Ўзэнергоинспекция” алоқа хатлари, қоидабузарлик тўғрисидаги далолатнома (и.в. 5-13), “Ўзэнергоинспекция” Андижон ҳудудий бўлими томонидан берилган хулосаси (и.в. 15), ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ва ашёвий далилларни олиш ҳақида баённома (и.в. 18-19), текшириш далолатномалари, Балиқчи туман ЭТК қайта ҳисоб-китоб хулосаси, тушунтириш хатлари, гувоҳларнинг кўрсатмалари, шунингдек судда кўрсатувлари ўқиб эшиттирилган гувоҳ М.Асқаров, А.Каримов ва Т.Хайдаровларнинг дастлабки терговда берган кўрсатувлари ҳамда иш бўйича тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан исботланади.



Суд, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги Қарори 5-бандининг 2-хатбошида “Судлар ҳукм ЖПКнинг 26, 90 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлигини эътиборга олишлари керак” деб берилган тушунтиришлардан келиб чиқиб, судланувчи А.Мамадалиевнинг қилмишлари квалификацияси масаласини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи А.Мамадалиевни Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “в” банди билан тўғри малакаланган деб ҳисоблайди.

Гарчанд судланувчи А.Мамадалиев суд мажлисида айбига иқрорлик билдирмасдан 2 гектар ер майдонидан ҳеч қандай мақсадда фойдаланмаганини, 40 сотих ер майдонига терак кўчати экиш мақсадида Норин-Қорадарё бошқармаси билан шартнома тузиб кўчат экмоқчи бўлганини, электр симини шу ерни соғириш мақсадида тортиб сув насос орқали терак кўчатларни суғормоқчи бўлганини, тергов органи 40 сотихлик ер учун қилган шартномасини инобатга олмаганини баён қилиб кўрсатув берсада, унинг мазкур кўрсатувлари жиноят ишида мавжуд ҳужжатлар ва суд мажлисида аниқланган ҳолатлар жумладан гувоҳлар А.Бувамирзаев, Ғ.Умирзақовни тергов ва суддаги кўрсатувлари ва бошқа гувоҳларни кўрсатувлари билан ишончга сазовор эмас деб ҳисоблаб, уни зарарни қоплашдан бўйин товлаш мақсадида ўйлаб топган важи деб баҳолаб тўлиқ рад этади.

Дастлабки тергов органи томонидан А.Мамадалиев Балиқчи туман электр таъминоти корхонаси “Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари талабларини бузиб, Яккатол МФЙ, худудида жойлашган 2 гектар ер майдонида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун суғориш мақсадида завурга сув тортиш агрегати (сув насоси)ни ўрнатиб, умумий фойдаланишдаги электр тармоғига тижорат мақсадида ўзбошимчалик билан тўғридан-тўғри уланиб, 04.04.2021 йилдан 04.04.2024 йилга қадар электр энергиясидан ноқонуний равишда фойдаланиб келганлиги оқибатида корхона манфаатларига жами 130.086.000 сўм зарар етказганлиги аниқланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-моддасида жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги, 54-моддасида суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши кўрсатилганлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида” ги қарори 1-бандида жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига қатъий амал қилишга қаратилиши, 3-бандида Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига мувофиқ бўлиши кераклиги таъкидланганлигини инобатга олиб, суд, судланувчиларга жазо тайинлаш лозим деб ҳисоблайди.

Судланувчи А.Мамадалиевга жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, музокара сўзида



айбига иқдор ва қилган ишидан пушаймондалигини, муқаддам судланмаганини, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишини инобатга олиб, уни яшаш жойидан шахсини ижобий тавсифланишини, етказилган зарар тўлиқ қоплангани жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар, жиноятни ғаразли ва бошқа паст ниятларда содир этганлигини оғирлаштирувчи ҳолатлар деб топиб, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 21 майдаги “Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги Қарори, 1998 йил 17 апрель кунги “Иқтисодиёт соҳасидаги жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида”ги №11-сонли, 2006 йил 3 февраль кунги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қароридаги раҳбарий кўрсатмаларига амал қилган ҳолда, қилмишидан пушаймонлиги, етказилган зарарларни қоплагани, тадбиркорлигини, содир этган жиноятини хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, тайинланадиган жазони ўзи ва бошқалар учун тарбиявий аҳамиятини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “в” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, модда санкциясида назарда тутилмаган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни;

Суд, етказилган зарар ва ашёвий далиллар масаласини муҳокама қилиб, етказилган зарарни қоплаш учун судланувчи А.Мамадалиев томонидан Андижон вилоят прокуратурасининг “Ипотека Банк” Андижон вилоят филиалидаги депозит ҳисоб рақамига топширилган жами 130.000.000 сўм пул маблағини Энергосавдо Балиқчи бўлимининг Ҳ/Р 22636000305063172334, МФО 00440, ИНН 306350099 ҳисоб рақамига йўналтиришни;

Судланувчи А.Мамадалиевдан Энергосавдо Балиқчи бўлими фойдасига 86.000 сўм моддий зарарни ундиришни;

Ёзма далил деб эътироф этилган А.Мамадалиев томонидан электр энергия тармоғига уланган ҳисоблагичига ташқи таъсир ўтказиш орқали ноқонуниу тарзда фойдаланиб келганлиги ҳолати юзасидан 04.04.2024 йилдаги 384-сонли далолатнома, Ўзэнергосавдо Андижон ҳудудий бўлими мутахассиси томонидан берилган хулосалар, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси, терговга қадар текширув ҳужжатлари, шунингдек жиноят иши юзасидан тўпланган ҳужжатлар, сўроқ юзлаштириш баённомаларини жиноят иши ҳужжатларига қўшиб сақлашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457,462-463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

## Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Мамадалиев Азизбек Мамасолиевич (Mamadaliyev Azizbek Mamasoliyevich) Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “в” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

А.Мамадалиевга Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “в” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолиш шарти билан 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.



Жазо мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўтатирилиб, жазо ўташ муддати А.Мамадалиев жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса ва ташкилотларда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ижросини назорат қилиш Балиқчи туман ИИБ Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

А.Мамадалиевга нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилиниб, гаров тариқасида Андижон вилоят прокуратурасининг “Ипотека Банк” АТИБ Андижон вилоят филиалидаги депозит ҳисоб рақамига топширилган 8.000.000 сўм пуллар гаровга қўювчи А.Мамадалиевга қайтарилсин.

Етказилган зарарни қоплаш учун судланувчи А.Мамадалиев томонидан Андижон вилоят прокуратурасининг “Ипотека Банк” АТИБ Андижон вилоят филиалидаги депозит ҳисоб рақамига топширилган жами 130.000.000 сўм пул маблағлари Энергосавдо Балиқчи бўлимнинг Х/Р 22636000305063172334, МФО 00440, ИНН 306350099 ҳисоб рақамига йўналтирилсин.

Судланувчи А.Мамадалиевдан Энергосавдо Балиқчи бўлими фойдасига 86.000 сўм моддий зарар ундирилсин.

Ёзма далил деб эътироф этилган А.Мамадалиев томонидан электр энергия тармоғига уланган ҳисоблагичига ташқи таъсир ўтказиш орқали ноқонуний тарзда фойдаланиб келганлиги ҳолати юзасидан 04.04.2024 йилдаги 384-сонли далолатнома, Ўзэнергосавдо Андижон ҳудудий бўлими мутахассиси томонидан берилган хулосалар, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси, терговга қадар текширув ҳужжатлари, шунингдек жиноят иши юзасидан тўпланган ҳужжатлар, сўроқ юзлаштириш баённомалари жиноят иши ҳужжатларига қўшиб сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган, судланувчилар ва фуқаровий даъвогар ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка ичида шу туман суди орқали Андижон вилоят суди жиноят судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида шикоят ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:-имзо  
*Ҳукм нусхаси аслига тўғри,*  
Жиноят ишлари бўйича  
Балиқчи туман судининг раиси

У.Шералиев

